

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Fil.70.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

---

**СУЯРОВА НАРГИЗА ЮЛДОШЕВНА**

**«БЕЛГИ» ДЕНОТАТИВ СЕМАЛИ МЕТАФОРАЛАРНИНГ  
ТАСНИФИ, КОГНИТИВ СТРУКТУРАСИ ВА  
ЛЕКСИКОГРАФИК ТАЛҚИНИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қарши – 2021**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефера диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on  
philological sciences**

**Суярова Наргиза Юлдошевна**

«Белги» денотатив семали метафораларнинг таснифи, когнитив структураси  
ва лексикографик талқини..... 5

**Suyarova Nargiza Yuldoshevna**

Classification, cognitive structure and lexicographic interpretation of denotative  
semantic metaphors “Sign” ..... 25

**Суярова Наргиза Юлдошевна**

Классификация, когнитивная структура и лексикографическое толкование  
метафор с денотативной семой «знак»..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 49

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Fil.70.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

---

**СУЯРОВА НАРГИЗА ЮЛДОШЕВНА**

**«БЕЛГИ» ДЕНОТАТИВ СЕМАЛИ МЕТАФОРАЛАРНИНГ  
ТАСНИФИ, КOGNITIV СТРУКТУРАСИ ВА  
ЛЕКСИКОГРАФИК ТАЛҚИНИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қарши – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Fil 639 ракам билан рўйхатга оланган.

Диссертация Карши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тицда (Ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-сайфаси ([www.qarshidu.uz](http://www.qarshidu.uz)) ҳамда Ziyonet ахборот таълим портали [www.ziyouonet.uz](http://www.ziyouonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Менглиев Бахтиёр Рижабович  
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Пардаев Азамат Бахронович  
филология фанлари доктори

Киличев Байрамали Эргашевич  
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Термиз давлат университети

Диссертация химояси Карши давлат университети хузуридаги Ph.D.03/30.12.2019.Fil.70.01 раками Илмий кенгашининг «Оғ Март 2021 й. соат 11:00 даги мажлисига бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Карши шаҳри, Кўчабог кўчаси 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz). Карши давлат университети, Физика-математика факультети (102-хона).

Диссертация билан Карши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиниш мумкин (39 раками билан рўйхатга оланган). (Манзил: 180103, Карши шаҳри, Кўчабог кўчаси 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «23 » оғурчи куни таржитиди.  
(2021 йил 23 оғурчи даги 1 раками реестр баённомаси).



Н.Н.Шодмонов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, филол.ф.д., профессор

Г.Н.Тожиева  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, филол.ф.д. (PhD)

Х.Жабборов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** XX аср дунё тилшунослигига инсонга хос шахсий сифатларнинг тилда акс этиши масаласи лингвокогнитология, лингвокультурология, социолингвистика, прагмалингвистика ва уларнинг қоришувидан иборат социопрагмалингвистика каби илғор фан йўналишларида алоҳида эътибор кучайди. Бу жараён эса тилда инсонга хос белгиларни субстанциал (борлик – онг – лисон) асосларда ҳал қилувчи тилшунослик парадигмаларининг шаклланишига асос бўлди. Жумладан, инсон метафороген қобилиятининг лингвокогнитив табиати, юзага келиш шартлари, таснифи, метафорик маънонинг белги англатиш жиҳатлари ҳақида хулосалар чиқаришда муҳим амалий аҳамият касб этади.

Жаҳон тилшунослигига тилларнинг лингвомаданий, лингвомаънавий, лингвокоммуникатив муносабатларини ўзида акс эттирувчи семасиология, семантика, семиология, семиотика, метафорология каби масалалар бўйича муайян изланишлар олиб борилмоқда. Қадимги юононларда метафоранинг психолингвистик табиати, Европа замонавий тилшунослигига метафоранинг генератив семантикаси, когнитив функциясига, метафорик маънонинг белги англатиш хоссаси, когнитив, лексикографик хусусиятларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбек тилшунослигига тилни миллий тил соҳиблари (шу тилда сўзлашувчилар) билан бирга ижтимоий муҳит, маданият, миллийлик каби омиллар муштараклигига ёритишга, лингвомаданий имкониятлари тадқиқига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Метафорани тил ва маданият, тил ва мулоқот, тил ва маънавият, тил ва руҳият муштараклигига ўрганиш, ўзбек тилига хос бирликлар мисолида луғавий бирликлар маъновий имкониятларининг лингвистик табиатини очиб бериш, метафоранинг лисоний, когнитив ва лингвомаданий, лексикографик тавсифини бериш тилшунослигимиздаги муҳим вазифалардан биридир. «Мамлакатимизда ўзбек тилини замон талаблари асосида ривожлантириш, унинг давлат тили сифатидаги ўрни ва нуфузини янада мустаҳкамлаш борасида олдимизда катта ва масъулиятили вазифалар турибди»<sup>1</sup>. Ўзбек тилидаги метафоранинг миллий-когнитив, структур ва лексикографик хусусиятлари билан боғлиқ изланишлар олиб бориш муҳимлиги метафоранинг асосий қисмини ташкил этувчи «белги» денотатив семали метафора, унинг лисонийлашиш жараёни, лексикографик ва когнитив-семантик тавсифи ҳамда таснифи масалалари каби ҳодисалар тил ва маданиятнинг ўзаро алоқаси ҳамда тил ва тафаккур яхлитлиги муаммоси сифатида талқин этиш илмий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-4958-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6048-сон

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбек тили байрами муносабати билан Ўзбекистон халқига байрам табриги // Халқ сўзи, 2020 йил 20 октябрь. – № 221-222 (7723-7724)

«Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу илмий-тадқиқот иши муайян даражада хизмат қиласди.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хуқуқий, иқтисодий, маданий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Маълумки, XX асрнинг 60-йилларида жаҳон тилшунослигида, хусусан, ўзбек тилшунослигида ҳам сўз маъноси, унинг ўзгариши билан боғлиқ лисоний ҳодисаларни ўрганишга катта эътибор қаратила бошлади. Ўша даврда тилшуносликнинг янги соҳаларидан бири ҳисобланган семасиология жадал ривожлана бошлади. «Европа тилшунослигида Г. Гердер, Э. Кассирер, Е.И. Шендельс, А. Ричардс, Ж. Пол, рус тилшунослари орасида А.А. Потебня, А.А. Реформатский, Е.М. Галкина-Федорук, Н.Д. Арутюнова, А. Вежбицкая, А.И. Ефимовлар»<sup>2</sup> сўз ва унинг маъносида доир салмоқли тадқиқотларни амалга оширганлар.

1960 йилларга келиб ўзбек тилшунослигида ҳам бу борада бир қанча илмий изланишлар амалга оширилди. Хусусан, ўзбек тилидаги полисемия ҳодисасини лингвистик жиҳатдан ўрганиш шулар қаторидан. Т.Алиқулов, С. Усмонов, Ш. Раҳматуллаев, О. Азизов, М. Миртоҷиевлар<sup>3</sup> ўз тадқиқотларида, дарслик ва қўлланмаларида ўзбек тилидаги полисемия ҳодисасининг ўзига хос жиҳатларини атрофлича тадқиқ этишган. Бироқ бу изланишларнинг ҳеч бирида полисемиянинг марказида турувчи метафора ҳодисаси монографик йўсинда тадқиқ этилмаган. Мазкур тадқиқотларда метафоранинг ҳосил

<sup>2</sup> Гердер Г.И. Идеи к философии истории человечества (Ideen zur Philosophie der Geschichte der Menschheit). А.В. Михайлов таржимаси ва изоҳи. А.В. Гулыга таҳрири остида. – М.: Наука, 1977. – С. 703; Кассирер Э. Сила метафоры. Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990; Шендельс Е.И. Практическая грамматика немецкого языка. Учебник для студентов институтов и факультетов иностранных языков // 2-е изд., испр. – М.: Высшая школа, 1982. – С. 340; Richards A.I. Essays in His Honor // Oxford University Press, 1973. – Р. 368; Paul. J., Grammaticalization // UK: Cambridge University Press: – Cambridge, 2003. – Р. 276; Потебня А.А. Слово и миф. – М.: Правда, 1989. – С. 624; Реформатский А.А. Введение в языкознание. – М.: Учпедгиз, 1960. – С. 55; Галкина-Федорук Е.М. Современный русский язык. Лексика. – М., 1954. – С. 54-56; Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. – М.: Языки русской культуры, 1998. – С. 238; Вежбицкая А. Сравнение – градация – метафора // Теория метафоры. Сборник. – М.: Прогресс, 1990. – С. 512; Ефимов А.И. Стилистика художественной речи // М.: Московский гос. университет им. М.В. Ломоносова, 1961. – С. 519.

<sup>3</sup> Алиқулов. Т. Полисемияларнинг ҳосил бўлиши ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1963. – № 6; – Б. 42. Усмонов С. Метафора // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1964. – № 4. – Б. 35-37; Абдуллаева Л. Метафоралар ва уларнинг таржима қилиниши ҳақида баъзи мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1965. – № 1; – Б. 62-64; Мукаррамов М. Метафора ясовчи ўҳшатиш воситаларининг маънолари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1971. – № 2. – Б. 51-52; Миртоҷиев М. Лингвистик метафоралар таснифи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1973. – № 4. – Б. 34-37; Миртоҷиев М. Ўзбек тилида полисемия. – Тошкент: Фан, 1975. – 135; Азизов О. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1963. – Б. 63-64; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1965. – Б. 126.

бўлиш усуллари, турлари, мавзувий таснифи каби масалалар талқин қилиниб метафоралар соф нутқий ҳодиса сифатида баҳоланган. Натижада метафорани лисон ва нутқ дихотомияси кесимида текшириш, унинг нутқий кўринишлари, ҳосил бўлиш сабаблари, нутқий метафорани юзага келтирувчи омиллар, лексикографик талқини масалалари етарли даражада ўрганилмай қолган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Қарши давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2017–2021 йилларга мўлжалланган ОФ-07-сон «Ўзбек тилининг структур ва социопрагматик тадқики» ҳамда ОТ-Ф8-002 – «Ҳозирги замон цивилизациясининг инсон ижтимоий қиёфасига таъсири» номли фундаментал лойиха доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек тилидаги «белги» денотатив семали метафоранинг лингвомаданий, лингвокогнитив ва лексикографик талқинини беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

борлиқнинг лисоний манзараси ва унда метафоранинг ўрнини аниқлаш; метафоранинг таснифини бериш;

«белги» денотатив семали метафорани мавзувий ҳамда «лисон-нутқ» дихотомияси асосида таснифлаш;

«белги» денотатив семали метафоранинг миллий-лисоний хусусиятларини кўрсатиб бериш;

«белги» денотатив семали метафоранинг лингвомаданий хусусиятларини ёритиши;

«белги» денотатив семали метафоранинг концептуал хусусиятларини ёритишдан иборат.

**Тадқиқотнинг обьекти** сифатида ўзбек тилидаги «белги» денотатив семали метафоралар олинган.

**Тадқиқотнинг предметини** ўзбек тилидаги «белги» денотатив семали метафоранинг когнитив, структур ва лексикографик хусусияти ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тавсифлаш, қиёслаш, таснифлаш, контекстуал таҳлил усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

«белги» денотатив семали метафоралар шахснинг ички ҳис-туйғуларини, мақсадини ойдинлаштириш асосида турли манзараларни акс эттирадиган образли ифодалаш воситаси эканлиги аниқланган;

белги метафорик кўчма маъно ахборот мазмунини муайянлаштиришга, нутқнинг таъсирчанлигини таъминлашга, матн таркибий қисмлари боғланишини мукаммаллаштиришга хизмат қилиши изоҳли лугатларда келтирилган мисоллар асосида очиб берилган;

метафоралар турмушнинг фундаментал тавсифини берувчи ва ҳаётнинг ўзгармас қонуниятларини уқтириб турувчи, ўзида замон ва макон ўлчамларини мужассам этган тил ҳодисаси эканлиги бадиий асарлардан олинган мисоллар орқали далилланган;

«белги» денотатив семали метафораларнинг кўчма маънода лисонийлашуви кўп маънолилик, маънодошлиқ, шаклдошлиқ муносабатларининг шаклланишига ҳам таъсир қилиши очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуидагилардан иборат:**

«белги» денотатив семали метафоранинг маъно-моҳияти, даврлаштирилиши ва тасниф хусусиятлари ёритиб берилган;

ўзбек тилида метафорик тафаккурни харакатлантирувчи когнитив қонуниятлар, метафора ташувчи билимларни қабул қилиш, қайта ишлаш, сақлаш ва узатиш вазифалари аниқланган;

«белги» концепти борлик ҳодисаларининг айrim қирраларининг инсон ташқи кўринишлари, хатти-харакатлари, ҳолатини тасвирлашда когнитив вазифа бажаришига хизмат қилиши асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув, усул ва назарий маълумотларнинг ишончли илмий ва бадиий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар қиёслаш, фалсафий-гносеологик, лингвокультурологик, когнитив, контекстуал, психологик, субстанциал, дискурсив таҳлил методлари воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хуросаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти метафорик кўчимнинг бошқа турларини, шунингдек, метафорик кўчим ва унинг хусусиятларини ёритишида, метафорани pragmatik, социолингвистик аспектларда ёритиш билан изоҳланади.

Ишнинг амалий аҳамияти бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун «Когнитив тилшунослик», «Бадиий асар тили», «Лингвокультурология», «Лексикология», «Лексикография», «Стилистика» ўқув курслари бўйича маъзуза матнлари, дарслер, ўқув ва услубий қўлланмалар тузишида, ўқув-услубий мажмуаларни такомиллаштиришида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** «Белги» денотатив семали метафораларнинг таснифи, когнитив структураси ва лексикографик талқинини ёритиш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

«белги» денотатив семали метафораларнинг шахснинг ички ҳистойғуларини, мақсадини ойдинлаштириш асосида турли манзараларни акс эттирадиган образли ифодалаш воситаси эканлигига оид назарий хуросалардан ОТ-Ф8-062 рақамли «Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 июлдаги 89-03-2577-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари асосида инсон белги ҳақида билим ҳосил қилишида шахс психологияси когнитив структурани шакллантириши ҳамда бу структуранинг турли контекстуал вазиятларда намоён бўлиши ҳақида муайян хуросалар чиқариш имконини берган;

белги метафорик кўчма маъно ахборот мазмунини муайянлаштиришга, нутқнинг таъсирчанлигини таъминлашга, матн таркибий қисмлари

боғланишини мукаммаллаштиришга хизмат қилишига оид назарий хulosаларидан ОТ-Ф8-062 рақамли «Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 июлдаги 89-03-2577-сон маълумотномаси). Натижада метафорик кўчма маънолар семантик деривацияниң ёрқин намунаси эканлигига оид хulosаларни ойдинлаштириш имконини берган;

метафоралар турмушнинг фундаментал тавсифини берувчи ва ҳаётнинг ўзгармас қонуниятларини уқтириб турувчи, ўзида замон ва макон ўлчамларини мужассам этган тил ҳодисаси эканлигига оид илмий хulosаларидан И-204-4-5 рақамли «Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўкув жараёнига жорий этиш» номли инновацион тадқиқотлар лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 июлдаги 89-03-2577-сон маълумотномаси). Натижада «белги» денотатив семали метафоранинг ижтимоий хосланиши, лингвомаданий хусусияти ҳақидаги масалаларни ёритиш имконини берган;

«белги» денотатив семали метафораларнинг кўчма маънода лисонийлашуви кўп маънолилик, маънодошлиқ, шаклдошлиқ муносабатларининг шаклланишига ҳам таъсир қилиши ҳақидаги илмий хulosаларидан И-204-4-5 рақамли «Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўкув жараёнига жорий этиш» номли инновацион тадқиқотлар лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 июлдаги 89-03-2577-сон маълумотномаси). Натижада лексик-семантик гурухларнинг шаклланишида метафорик кўчма маънонинг таъсир қилиш хусусияти, когнитив ва лексикографик тавсифи ҳамда талқини муаммоларини очиб бериш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та республика ҳамда 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларда мухокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси юзасидан 14 та илмий иш нашр этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг ҳажми 127 саҳифадан иборат, кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предмети ва обьекти аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон

Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

**Диссертациянинг «Ўзбек замонавий метафорологиясининг назарий ва методологик масалалари»** деб номланган биринчи бобида ўзбек тилшунослигига метафоранинг ўрганилиши, метафоранинг лисон ва нутқ дихотомиясига муносабати, лингвометафорани ўрганиш омиллари ва вазифалари, мантиқийлик ва метафориклик нутқнинг ёндош хусусияти эканлиги ҳақидаги фикрлар баён этилган.

Маълумки, инсон тил кузатувлари, идроки орқали тил воситасида борлиқни англашда унинг яратувчанлигига ҳам таянади. Бу эса тилнинг ҳар бир ифодаси замирида улкан билим хазинаси ётганлиги билан боғлиқ. Масалан, тил соҳиби нутқда бирор сўзни истифода этиши учун унинг фонетик қобигидан фикрига моддий шакл беришда фойдаланади, фикрнинг ўзи учун эса шу сўзлар замиридаги таянч билимларга асосланади. Билимлар инсон онгида партонимик ва гипонимик ўйсинда структурлашади. Янги билимлар аввалги билимлар асосида шаклланади, аввалги билимлар эса янги билимларни ҳосил қиласи ва уларнинг барчаси фикрнинг фонетик қобиги ҳамда семантик кодловчиси бўлган тилда намоён бўлади.

«Ҳар бир тилнинг борлиқни ҳар хил кўриши, ундан нусха олиши ҳамда таснифлаши тилларнинг ўзига хослигидан ва тилларнинг ўзига хослиги ҳам мазкур жараённинг ўзига хослигидан келиб чиқади. Бу эса тил ва фикр, нутқ ва тафаккур муносабати билан боғланиб кетади»<sup>4</sup>.

Тилларнинг миллий-маънавий, этнокогнитив хусусиятлари, аввало, турли шакл, тур ва асосларга эга бўлган мураккаб механизми метафорада ўзига хос ўрин тутади. Ҳар қандай метафора тил иштирокчиларининг яшаш тарзи, маданияти, муҳити, даражаси, диний эътиқоди каби турли ташқи, шунингдек, тилнинг структураси, лексик захираси, функционал услублари ва нутқ шаклларининг хусусиятлари каби ички омилларни ҳисобга олган ҳолда яратилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, метафора дунё тилшунослигига ҳам, ўзбек тилшунослигига ҳам яратилган барча тадқиқотларда сўз маъносининг кўчиши билан боғлиқ лингвистик ҳодисаларнинг марказида туради. Чунки тилдаги кўчма маънодаги сўзларнинг асосий қисмини метафорик усул билан кўчганлари ташкил этади. Сўз маъноси кўчиши билан боғлиқ тадқиқотларнинг барчасида асосий эътибор метафорага қаратилади.

Ўзбек тилшунослигига сўз маъноларини тизимли ўрганиш ўтган асрнинг ўрталарида бошланди. Сўзларнинг семантик структураси, таркиби, моносемия ва полисемия ҳодисалари дунё тилшунослигига маълум даражада

<sup>4</sup> Алиқулов А. Ўзбек тилида ел-ёғин лугавий-маъновий груҳи тизими, нутқий вокеланиши ва лексикографик талқини: Филол. фан. ... номз. дис. – Тошкент, 2011. – Б. 10.

ўрганилган, улар собиқ иттифоқ худудидаги бошқа миллий тилшуносликларда бўлгани каби ўзбек семасиологик тадқиқотлари учун назарий методологик асос вазифасини бажарди. Ўзбек назарий семасиологиясининг асосчиларидан бўлган тилшунос Т. Алиқулов сўз семантик структураси тадқиқига шу даврда киришилганлигини эътироф этиб шундай ёзади: «Полисемия тилшуносликнинг актуал масалаларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам унинг тилдаги ўрнини белгилаш, тарихий ривожланиш этапларини кузатиб қай усуллар билан вужудга келиш қонуниятларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга»<sup>5</sup>.

Ўзбек анъанавий тилшунослигида «М. Миртоҗиев, С. Усмонов, Т. Алиқулов, Ш. Раҳматуллаев, О. Азизов, З. Тоҳиров, замонавий тилшуносликда Г. Қобулжонова, Д. Рустамова, Ш. Маҳмараимова, А. Хўжамқулов»<sup>6</sup> каби олимларнинг тадқиқотларида, асосан, метафора ва унинг турлари ўрганилганлигини қўришимиз мумкин.

Ўзбек тилшунослигида метафора тадқиқининг ўз анъанавий доирасидан чиқиб структур босқичига кўтарилилганлиги ўзбек метафорологияси шаклланиши ва ривожланиши учун янги уфқларни очди.

Ўзбек анъанавий тилшунослиги метафора тушунчасини фанга олиб кирди, уларни лисоний ва нутқий турларга ажратди, бироқ тилшунослик нутқий ҳодисаларни умумлаштириш босқичига қадам қўяётган бўлганлиги сабабли лисонийлашган метафораларга эътибор кўпроқ қаратилди. Ўзбек субстанциал тилшунослиги тилнинг лисоний ва нутқий структурасини фарқлаш, лисоний структура ва лисоний бирликларни, уларнинг имкониятларини аниқлаш борасида изчил тадқиқотлар олиб бориб тилнинг фонетик, лексик, морфологик, синтактик лисоний структураларини ва бирликларини диалектик тадқиқ методологияси асосида текширишга киришди. Хусусан, лексик маънода умумий ва хусусий маъно, семема ва сема, кўчма маъноларда лисоний ва нутқий жиҳатларни ажратиш бўйича жиддий ишлар амалга оширилди. Метафорани тадқиқ қилишда ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин.

Янги даврда замонавий талаб ва тамойиллар асосида яратилган тадқиқотлар мазмун жиҳатдан аввалгиларидан назарий-методологик жиҳатдан кескин фарқ қиласди.

<sup>5</sup> Алиқулов Т. Полисемияларнинг ҳосил бўлиши ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1963. – № 6. – Б. 36.

<sup>6</sup> Миртоҗиев М. Лингвистик метафоралар таснифи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1973. – № 4. – Б. 34; Миртоҗиев М. Ўзбек тилида полисемия. – Тошкент: Фан, 1975. – Б. 135; Усмонов С. Метафора // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1964. – № 4. – Б. 35-37; Алиқулов. Т. Полисемияларнинг ҳосил бўлиши ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1963. – № 6; – Б. 42; Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1965. – Б. 120-126; Азизов О. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1963. – Б. 63-64; Тоҳиров З. Метафора лексема семемасининг прагматик семаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1983. – Б. 73-77; Қобулжонова Г. Метафоранинг системавий лингвистик талқини: Филол. фан. ... номз. дис. – Тошкент, 2000. – 104 б.; Рустамова Д.А. Ўзбек тилида метафорик эвфемизация: Филол. фан. ... фалс. докт. (PhD) дис. автореф. – Фарғона, 2017. – 50 б.; Маҳмараимова Ш.Т. Оламнинг миллий лисоний тасвирида теоморфик метафоранинг когнитив аспекти: Филол. фан. ... фалс. докт. (PhD) дис. автореф. – Қарши, 2018. – Б. 21; Хўжамқулов А. Ўзбек тилида метафоранинг таснифланишига доир. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлиб чиқарилган илмий маколалар тўплами. Лингвист. 2-китоб. – Тошкент: Академнашр, 2011. – Б. 85-88.

Метафорология соҳасида замонавий парадигмалар асосида тадқиқот олиб борган «тилшунос З. Тоҳиров нутқий метафорик маъно, улар вужудга келишининг лисоний ва нолисоний омиллари хусусида кўплаб янги фикрларни баён этди»<sup>7</sup>. «Ўзбек тилида нутқ жараёнида метафора содир бўлар экан, бу ҳодиса ҳосила семемадаги прагматик сема ҳосил бўлиши билан характерланади. Масалан, *шер, бургут, лочин, оҳу, қашқир* лексемаларининг шахс билдирувчи семема, *лаъл, чарос, бодом, гул* лексемаларининг киши аъзосини билдирувчи семема ҳосил қилиши метафора бўлиб, бунда ҳосила семемалар прагматик маънога эга бўлади»<sup>8</sup>.

Тилшунос Г. Қобулжонованинг метафора талқинига бағишлиланган иши ўзбек тилшунослигини янги босқичга кўтарди. Оима нутқий метафорани лингвистиканинг ўрганиш обьекти эканлиги ҳақидаги ғоясини дадил кўтариб чиқди ва поэтик ҳамда нутқий метафора бир ҳодисанинг турли томондан ёндашиш асосидаги ҳар хил номлари эканлигини, бундан нарсанинг серқирралиқ тамойилига таяниш лозимлигини таъкидлайди. «Сўз маъносининг кўчиши билан боғлиқ лисоний ҳодисаларни талқин этишда ана шу омилларга асосланган тамоман янги ва ўзига хос тадқиқот тилшунос С. Ҳожиев томонидан яратилди»<sup>9</sup>.

С. Ҳожиев диссертациясида маъно кўчиши факат номинатив вазифа бажарибина қолмайди, балки маълум бир ижтимоий онгда борлиқнинг лисоний тасвирини бериши воситаси сифатида талқин қилинади. Маълумки, тилшунослик фани тараққиётининг ҳозирги босқичи структурал-функционал изланишлардан тилда инсон омили ва шунга алоқадор масалалар, яъни: «тилнинг дунёни билишдаги роли ва борлиқнинг лисоний манзарасини яратиш, дунёни билишда когнитив моделларнинг миллий ўзига хослиги каби тушунчаларни талқин қилишга қаратилган когнитив-семантиқ, социолингвистик ва культурологик йўналишлар томонига эътиборнинг кучайиши билан характерланади»<sup>10</sup>. Бу борада тадқиқотчи Ш. Махмараимованинг «Оламнинг миллий лисоний тасвирида теоморфик метафоранинг когнитив аспекти»<sup>11</sup> номли диссертацияси ўзбек тилшунослигига янги ҳодиса бўлди.

«Ўзбек тилшунослигига метафорик эвфемизация бўйича тадқиқотчи Д. Рустамова томонидан яратилган диссертация метафоранинг янги бир қиррасини очди»<sup>12</sup>. Оима ўз ишида миллий дунёқарааш тилнинг метафорик таянчлари билан уйғунлигини, иккиласми номинация механизми ва маҳсули бўлган ҳолда эвфемизмлар етакчи ўрин эгаллашини таъкидлайди. Ўзбек метафорологияси формал, субстанциал босқичларни босиб ўтиб ўз тараққиётининг антропоцентрик босқичига қадам қўйди. Бу босқичда

<sup>7</sup> Тоҳиров З. Метафора лексема семемасининг прагматик семаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1983. – № 4. – Б. 73-77.

<sup>8</sup> Тоҳиров З. Кўрсатилган асар. – Б. 74.

<sup>9</sup> Ҳожиев С. Сўз маъносининг кўчиши билан боғлиқ лингвистик ҳодисалар: Филол. фан. ... номз. дис. автореф. – Тошкент, 2007. – Б. 23.

<sup>10</sup> Ҳожиев С. Кўрсатилган асар. – Б. 9.

<sup>11</sup> Махмараимова Ш.Т. Оламнинг миллий лисоний тасвирида теоморфик метафоранинг когнитив аспекти: Филол. фан. фалсафа доктори (PhD) ... дис. автореф. – Карши, 2018. – Б. 21.

<sup>12</sup> Рустамова Д. Ўзбек тилида метафорик эвфемизация: Филол. фан. ... фалс. докт. (PhD) дис. автореф. – Фарғона, 2017. – Б. 14.

метафора лисоний ва нолисоний омиллар яхлитлигига ва нутқ соҳиби билан биргалиқда таҳлил қилинмоқда. Биринчи босқичда лисон ва нутқ фарқланмай фақат тил метафоралари поэтик метафоралардан ажратилган бўлса, субстанциал босқичда лисоний ва нутқий метафора ажратилди, учинчи босқичда лисоний метафоранинг лисонда яшаш ва нутқий воқеланиш механизми чуқур ўрганилмоқда.

Метафорага муносабат тарихий анъаналар, хар бир даврдаги янгича қарашлар билан бойиб, қоришиб, мураккаб ва кенг тармоқли илмий ва амалий, полифоник дискурс шаклландиди, бугунги кунда бу тармоқлар барча ижтимоий-гуманитар соҳаларни қамраб олмоқда, ҳатто компьютер лингвистикаси ва корпус таҳлили йўналишларига ҳам жадал кириб бормоқда. Фалсафа, мантиқ, руҳшунослик, матншунослик, адабиётшунослик, ахлоқ, эстетика, герменевтика ва тилшуносликнинг нейролингвистика, семиотика, лингвокультурология, риторика, лингвистик философия каби соф ва қоришиқ соҳалари серқирра ва мураккаб ҳодиса бўлган метафоранинг турли томонларини назарий ёки амалий йўсинда ўрганмоқдалар. Уларнинг барчаси замирида ягона мақсад – инсон тафаккури ва фикрлаш жараёни модели ҳамда механизми сирларини очиш, системасини билиш ҳамда ундан фойдаланиш самарадорлигини таъминлашга эришиш ётади. Зоро, «метафора асосида инсоннинг билиш фаолияти системасининг таркибий қисмлари (борлиқни «қабул қилиш», тафаккур, хотира, лисон, нутқ) ўзаро ягона вазифа – борлиқни идрок этиш, уни билим сифатида тизимлаштириш, бу билимдан яратувчи куч сифатида унумли ва самарали фойдаланиш учун уюшади»<sup>13</sup>.

Тилшуносликда ва, умуман, бошқа ижтимоий фанларда тилнинг пайдо бўлишини эмоционал илдизларда кўрадиганлар метафоранинг ролини муносиб баҳолаган Ф. Ницше, Э. Кассирер, М. Минский, М. Жонсон ва Ж. Лакофф, Ислом дини илоҳиётида Абу Мансур Мотуридий, шунингдек, рационалистлар, иррациоаналистлар ҳамда сенсуалистлар метафорик ҳодисанинг серқирралиги ва бу қирраларнинг турли томонларига эътибор қаратадилар. Олимларнинг фикрларидан келиб чиқадиган муҳтасар хулоса шуки, метафора янги билимларни эскилари қолипларига солиш, умуман, тафаккурнинг юқори даражаси эскилик ва янгиликларни мувофиқлаштириш, аниқроғи, улардаги мувофиқликларни англашдан иборат тафаккур усулидир.

Демак, метафора бошқа коммуникатив воситалардан тилни кескин фарқлаб турувчи фикрий-ментал восита бўлиб тилнинг ижтимоий-руҳий ҳодиса эканлигини кўрсатувчи ёрқин далилдир. Аммо бу менталлик яққол намоён бўлиш, моддий шаклда юзага чиқиб туриш хусусияти билан характерланади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **«Белги» денотатив семали метафоранинг когнитив структураси** деб номланган, унда метафорик маънони концептуал ўрганиш асослари, оламнинг лисоний тасвири ва «белги»

<sup>13</sup> Петров В.В. Язык и логическая теория: в поисках новой парадигмы // Вопросы языкознания. – М.: Наука, 1988. – № 2. – С. 41. Яна қаранг: Новое в зарубежной лингвистике. – вып. XXIII: Когнитивные аспекты языка. – М., 1988.

денотатив семали метафораларнинг шаклланиши, «белги» тушунчасининг когнитив структураси ҳақида сўз боради.

Маълумки, янги билим англанган борлик ҳодисалари билан янгидан англанаётган ҳодисалар орасидаги ўхшашликларни топиш асосида шакллантирилади. Бусиз янги билим ҳосил қилиш мумкин эмас. Бу инсон тафаккурининг метафорик механизмини намоён қиласи. Метафорада тафаккур субъект, борлик асос, тил эса восита бўлиб хизмат қиласи. Метафорани асосий ментал операция, борлиқни билиш, категориялаштириш, концептуаллаштириш, баҳолаш ва тушунириш усули сифатида тушуниш оммалашган.

Инсоннинг лисоний тажрибаси янги объектни концептуаллаштиришнинг сифатини белгилайди. Концептуаллаштириш – янги билим ҳосил қилиш демакдир. Ҳосил қилинган билим систем-структур моҳият касб этган бўлади. У ана шу моҳиятга эга бўлмагунча концептуаллашган билим ҳисобланмайди. Мисолларга мурожаат қиласиз. Ўзбек кишисида «сабр» ва «тоқат» тушунчалари ҳақида тегишли билим мавжуд. Кўпгина ўзбеклар уларни бирлаштирган, умумлаштирган – категориялаштирган, бироқ концептуаллаштира олмаган. Чунки уларнинг бирлаштирувчи белгилари («чиdam»нинг турлари) англангани ҳолда фарқловчи белгилари аниқланмаган. Бу ҳолат ижтимоий характерга эга. Фикрларимизни далиллаш учун «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»даги изоҳларга мурожаат қиласиз:

**«САБР [a. – чидам, бардош, ирова, қатъият]** 1 Бирор ҳолат ёки ҳодисани бардош билан кутиш, қаноат қилиш; ўзини тийиш. Масалан: *Сабр таги – сариқ олтин*.

**2 Ғам-кулфат**, азоб-мусибатларга чидаш, тоқат қилиш, бардош бериш. Масалан: *Сабр – инсон иродасининг тожи! – деди Жўрахон Мажидга*.

**3 Сабр косаси тўлмоқ**, ортиқ чидаш ёки кутишга тоқати қолмаслик, тоқати тоқ бўлмоқ. *Халқнинг сабр косаси тўлди*».

Эътибор қилинса, «сабр» ва «тоқат» тушунчалари орасида концептуал умумийлик бор-у, бироқ фарқлар кузатилмайди. Акс ҳолда «сабр» тушунчаси изоҳи учун *тоқат, чидам билан кутмоқ, тоқати тоқ бўлмоқ, ғам-кулфат, азоб-мусибатларга чидаш, тоқат қилиши, бардош бериши, бардош билан кутиши* каби изоҳларни шунчаки бериб бўлмас эди. Энди шу нуқтаи назардан тоқат сўзини кузатамиз:

**«ТОҚАТ [a. – куч, қувват; чидам, бардош, сабр]** Чидаш, бардош бериш қобилияти; сабр-бардош, чидам, тўзим. *Тоқат билан кутмоқ. Тоқат билан гапига қулоқ солмоқ. Тоқати тугади (битди, тамом бўлди)*».

Ўзбек ижтимоий онгига «сабр», «чиdam», «тоқат», «бардош» тушунчалари орасида категориаллик мавжуд бўлса-да, концептуаллик етарли даражада шаклланмаган. Улар битта концепт сифатида қаралмоқда ва орасидаги денотатив фарқ аниқланмаган – тушунча концептуаллаштирилмаган.

Кўринадики, метафорани когнитив ўрганиш тарихий ва структур талқинлар билан омиҳталашсагина, лексикографик ва таълимий амалиёти учун катта аҳамият касб этади.

Метафорологик тадқиқотлар тавсифийликдан тадқиқийлик ва тавсиявийликка ўтиши тилшуносликнинг инновацион ривожланиши йўлидаги муҳим қадам хисобланади.

«Оламнинг лисоний тасвири дунёниг глобал тасвири сифатида бир миллат ёки ҳалқ эмас, балки умуман инсоният онгида унинг олам билан барча алоқалари асосида шаклланади»<sup>14</sup>. Бугунги қунда метафорани таснифий ўрганиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Сифат метафоралар концептуал метафоралар тизимида концепт (предмет/ходиса)нинг нофаол белгисини ифодалайди ва унинг шаклланиш сценарийси замирида қиёслаш ва ўхшатиш ётади.

Белгини англатувчи метафораларни тавсифий метафоралар ҳам дейиш мумкин. Шу билан бирга, номлаш ва ажратиш вазифалари бундай метафораларда яхлитланади. Предмет/ходисани англатувчи метафоралар субстанциал метафоралар бўлса, белги англатувчи метафораларни атрибутив метафоралар деса бўлади. Атрибутив метафора мазмун-мундарижаси мувофиқ келадиган субстанциал метафора билан, одатда, параллел равишда намоён бўлади. Метафора нутққа кирап экан, иккита вазифани бажаришга йўналтирилади:

- 1) матн ҳосил қилиш ва яхлитлаштиришда қатнашади;
- 2) матннинг таъсир кучини оширади.

Ҳосила маънолар талқинида икки ҳолатга алоҳида эътибор қаратмоқ лозим бўлади:

- 1) генетик бош маъно;
- 2) қўлланишдаги асосий маъно.

Бунинг учун *бачкана* лексемасининг семантик структурасини кузатамиз. Ўзбек тилида *бачкана* сўзининг 4 та лексикографик маъноси ажратилади:

«1 эск. Болалар учун мўлжалланган (уст-бош, оёқ кийим ҳақида). *Бачкана маҳси*.

2 кўчма Ёш болаларга хос бўлган, катталарга, катта ёшдаги кишиларга ярашмаган, келишмайдиган. *Бачкана қилиқлар. Бачкана одам*.

3 кўчма Болаларча мулоҳаза юритилган; қисқа ўйланган; юзаки, хом. *Бачкана асар*.

4 Ярашмайдиган, мос келмайдиган; сохта. *Бачкана кўринмоқ*<sup>15</sup>.

Изоҳли луғат лексеманинг генетик жиҳатдан бош маъносини биринчи ўринга қўяди. Бугунги нутқда бу маъно анчайин эскирган ва луғатда эск. белгиси билан берилган. Генетик бош маъно эмоционалликдан холи ва сўзининг этимологик маъноси билан мувофиқ. Лекин ҳозирги ўзбек нутқида лексеманинг 2 кўчма Ёш болаларга хос бўлган, катталарга, катта ёшдаги кишиларга ярашмаган, келишмайдиган. *Бачкана қилиқлар. Бачкана одам* маъноси қўлланишда етакчилик қиласди. Шунинг учун уни қўлланишдаги етакчи маъно дейиш ва оммабоп изоҳли луғатда биринчи ўринга қўйиш мақсадга мувофиқ. Зоро, биринчи маънодаги эск. белгисининг

<sup>14</sup> Серебренников Б.А. Роль человеческого фактора в языке. Язык и картина мира. – М.: Наука, 1988. – С. 19-20.

<sup>15</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати: 5 жилдлик. – Тошкент: ЎзМЭ, 2006. Ж 1. – Б. 181.

ўзи ҳам уни устуворлаштиришнинг маънисизлигини кўрсатади. Демак, маънолар тартибини қуидагича бериш лозим:

**1** қўчма Ёш болаларга хос бўлган, катталарга, катта ёшдаги кишиларга ярашмаган, келишмайдиган. *Бачкана қилиқлар. Бачкана одам.*

**2** қўчма Болаларча мулоҳаза юритилган; қисқа ўйланган; юзаки, хом. *Бачкана асар.*

**3** Ярашмайдиган, мос келмайдиган; сохта. *Бачкана кўринмоқ.*

**4** эск. Болалар учун мўлжалланган (уст-бош, оёқ кийим ҳақида). *Бачкана маҳси.*

Метафорик ҳосила маъно фаоллашиб ижтимоий омиллар билан ҳамкорликда асос маънони сиқиб чиқаради ва ўзи асос маънонинг ўрнини эгаллайди.

Демак, метафоранинг шаклланиши, аввало, инсон ва тил, тил ва борлик, борлик ва борлик диалектикасининг намоён бўлишидир. Бу алоқадорлик предмет ва белги, белги ва предмет, предмет ва предмет, белги ва белги алоқадорлиги кўринишида намоён бўлиб «белги» маъносини ифодаловчи бирликларнинг метафорик белги ифодалаши, «предмет» маъноли бирликларнинг метафорик «белги» ифодалаши турларида ҳам воқеланиши мумкин.

Ҳар қандай тил белгиси лисоний маънони коммуникатив жараёнда намоён қилганлиги каби идеал, руҳий-интеллектуал ҳодиса сифатидаги концепт ҳам коммуникатив жараёнда шаклланади ва тилнинг воситалари асосида мазкур жараёнда юзага чиқади. Муайян ҳолатда сўз серқирра ва кўп ўлчамли концептнинг ушбу коммуникатив жараён учун тегишли жиҳатларини воқелантиради. Демак, сўз маъноси зиммасида концептнинг мулоқот ва ахборот учун зарур ва дахлдор бўлган жиҳатларини намоён қилиш «масъулият»и ётади.

Инсон белги ҳақида билим ҳосил қилар экан, аввало, шахс психологияси (1) она тили (2) ва ундан фойдаланиш миллий маданияти бирлашади. Билимни шакллантириш жараёнида бу учлик онг остидан онг усти жараёнига қалқиб чиқади ва устида иш кўрилаётган борлик парчасининг нусхасини олишда ансамбль сифатида иштирок этади, аввало, когнитив структурани шакллантиради ва бу структуранинг турли контекстуал вазиятларда намоён бўлишига олиб келади.

Бирор белги бўйича ҳосил қилинаётган билим кўплаб параметрларга эга бўлади: белгининг замонга кўра тури; белгининг маконга кўра тури; белгининг давомийликка кўра тури; белгининг моҳият тури; белгининг статиклиги/динамиклиги; белгининг моддий/идеаллиги; белгининг аник/мавҳумлиги ва ҳ.к.

Хусусан, «белги ифодаловчи асосий туркум бўлган сифатнинг луғавий мазмуний гуруҳларининг серқирра ва ранг-баранглиги бунинг ёрқин далилидир. Сифат туркумининг лексик-семантик гуруҳлари тасниф қилинган

дарслик ва қўлланмаларда белги параметрларидан келиб чиқиб унинг бир неча асосий ва ички турлари ажратилгани кузатилади»<sup>16</sup>.

Шу жиҳатдан қарабанд, белгининг кўп ўлчамлилиги дискурс (нолисоний (вазият, шароит, макон, замон ва х.) турли омиллар билан бир бутунликда олинган нутқ, матн)да лисоний ва прагматик омилларнинг ўзига хос қуршови билан муайянлаштирилади – зарур қирраси бўрттирилади. Бу эса истисно ҳолатларнинг аниқлиги (1) ва муайян вазиятнинг лисоний ифодасида мавхумликка йўл қўйилмаслиги (2) тамойиллари асосида кучайтирилади. Шу боисдан лисоний билимларни лексикографик матнларда концептуаллаштиришда: билим, тушунча, маъно, лисоний қиймат уйғунлиги ва фарқланишига таянилади.

«Белги» концептининг ўзи ҳам кўп ўлчамли. Концептнинг кўп ўлчамлилиги унинг ифодаловчисига хос семантик структуранинг полисемантиклиги билан характерланади.

«Белги» концепти ҳам ўз структурасида умумий ва хусусий жиҳатларни бирлаштиради. Умумийлик билимнинг оммавийлиги ва оммабоплиги, муайян ижодкорлик маҳсули эмаслиги хусусиятини кўрсатса, хусусийлик муайян ва тор доирадаги шахсларнинг этник, миллий ва умуммиллий объектив омиллар билан уйғунлашган тафаккури маҳсули, ижтимоийликка айланиши имконияти билан характерланади.

Диссертациянинг учинчи бобида **«Белги» денотатив семали метафораларнинг лексикографик талқини масалалари»** ёритилади.

Замонавий (назарий) лексикография ва (амалий) луғатчиликда метафорик кўчма маънолар талқини алоҳида муаммо, маҳсус методикани талаб қиласидан соҳа, маҳсус методологияни тақозо этадиган йўналишга айланмоқда. Метафорик лексикографияни алоҳида соҳа сифатида ажратишнинг долзарблиги миллий тил ва нутқнинг ўзига хослигини тавсифловчи луғатларнинг камлиги ва бундай луғатларни шакллантиришнинг глобаллашув шароитида миллий ўзига хосликларни сақлаб қолиш ва бойитиш вазифалари билан белгиланади. Зеро, бундай луғатларнинг мазмунан ранг-баранг бўлиши метафоралашган лисон ва нутқ материалларининг кенг қамровлилиги, тил бирликларининг метафорик маъносини тушунтириш учун зарур бўлган чуқур фундаментал семантик ва лингвомаданий тадқиқотларнинг мавжудлиги ва яратилаётганлиги билан белгиланади. Шу билан бирга, метафорик лексикографиянинг бир қатор муаммолари тил бирликларининг метафорик маъноларини танлаш мезонларини ишлаб чиқиш, замонавий сўзлашув нутқида қўлланадиган метафорик маъноларни аниқлаш, қайд қилиш, изоҳ моделларини аниқлаш билан ҳам боғлиқ.

Метафорик сўз ва бирикмалар бериладиган луғатлар бир неча асосга кўра тавсифланиши мумкин:

<sup>16</sup> Қаранг: Ўзбек тили грамматикаси. – Тошкент: Фан, 1975. Т. 1. – Б. 271-306; Шоабдураҳмонов Ш., Аскарова М., Ҳожиев А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 448 б.; Sayfullayeva R., Mengliyev B. va boshq. Hozirgi o'zbek adabiy tili: Darslik. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2010. – 414 b.

*биринчидан*, луғат бирликларининг структур-семантик хусусиятларига кўра: фразеологик луғат, афоризмлар луғати, мақол ва маталлар луғати, ўхшатишлар луғати, перифразалар луғати;

*иккинчидан*, миллий тилнинг маълум бир кўриниши ва нутқ услубига кўра: адабий услубнинг образли сўз ва иборалар луғати, шева сўzlари луғати, бадиий образли воситалар луғати, эвфемизмлар луғати, дисфемизмлар луғати;

*учинчидан*, генезисига кўра: ўзлашма сўzlар, эскирган сўzlар луғатлари.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, ўзбек тили бўйича яратилаётган замонавий типдаги луғатларда образли бирликларни изоҳлаш бўйича янгидан-янги ёндашувлар юзага келмоқда. Бироқ ҳали бу борада метафорик маъноларни талқин қилишнинг чукурлашганлигини кўрсатадиган қиёслашлар луғати, барқарор қиёслашлар луғати, сиёсий метафоралар луғати, зооморфик метафоралар луғати, антропоморфик метафоралар луғати, теоморфик метафоралар луғати, космоморфик метафоралар луғати, фитоморфик метафоралар луғати, мажозий сўzlар луғати, ўзбек маданиятининг моддий кодлари, ўзбек назмий луғати, шеърий образлар луғати, озиқ-овқат метафора луғати, экспрессив сифат/от/феъллар луғатлари каби қатор луғатларни яратиш луғатчилигимиз, хусусан, метафорик луғатчилигимиз олдидағи долзарб муаммолардан. Ўзбек тилидаги ранг билдирувчи сўzlарнинг метафорик маънолари ниҳоятда маҳсулдор ва кўп қўлланувчан. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳар бир узуал ва окказионал контекстуал маъноларини фарқлаш, қайд қилиш ва тавсифлашда тилнинг динамикасини акс эттириш имконияти мавжуд луғатларда чекланган. Мисол сифатида ранг билдирувчи лексемаларнинг ҳосила маъноларини таҳлил қилишдан олдин унинг бош маъносини кузатайлик. Чунки метафорик лексикографик маънолар тавсифининг мукаммаллик даражаси бош маъно изоҳининг валидлик даражаси билан белгиланади. Қуйида асосий рангни билдирувчи 4 та сўз келтирилди.

- 1) **қизил** – қон рангидаги; қирмизи, алвон;
- 2) **оқ** – қор, сут, пахта рангидаги;
- 3) **қўк** – тиник осмон рангидаги; мовий, зангори;
- 4) **сариқ** – сомон, зарчува, тилла каби нарсалар тусидаги ранг.

Аммо корпус массиви бўлмаганлиги учун биз бу қўлланишларнинг микдорини, статистик тавсифини бера олмаймиз. Асосий рангларни билдирувчи айрим сўzlарнинг бош маънолари изоҳларини кузатишдан маълум бўладики, кўпларида бош маъноларнинг ўзлари ҳам изоҳланишда метафорик қўлланишлар тавсифларига эҳтиёж сезади. Бу нафақат бош маънонинг метафорик маъно, балки метафорик маънонинг бош маъно тавсифига хизмат қилишига ҳам далил бўла олади.

Ўзбек тили лексикографиясида лексемаларнинг метафорик қўчма маъноларини акс эттириш ва уларнинг назарий асослари батафсил тадқиқ қилинган деб бўлмайди. Хусусан, ўзбек тилининг изоҳли луғатларида лексемаларнинг қўчма маъно ҳосилалари тўлиқ ўз аксини топмаган.

Ўзбек тили изоҳли луғатлари тилимиздаги лексемаларнинг семантик имкониятларини кўрсатиб берувчи асосий лексикографик манба саналади.

Унда бош сўзнинг асл маъноси билан бирга кўчма маъно ҳосиласи ҳам изоҳланади. Лексемаларнинг бундай маъно қирраларини намоён қилишида метафора етакчи ўрин эгаллади.

Метафорик семантиканинг лексикографик тавсифи муаммоларини «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» (2006–2008) мисолида кўриб чиқамиз. Ушбу луғатда барча мустақил луғавий маънога эга лексемалар кўчма маъно ҳосил қила олишини кўриш мумкин. Бироқ метафорик кўчим кўпроқ от ва феъл сўз туркумларида учрайди.

Аниқ ва мавхум отларда метафорик кўчма маънолар турлича бўлади. Метафора асосида ном кўчиши ўзаро ўхшашлиги бўлган аниқ отлар доирасида бўлганда бу ҳодиса аниқ сезилиб туради. «1) *Нозим Зуҳранинг бошини аста силаб, ўз кўз ёшини белбоги учига артди*. «Гулдаста»; 2) *Ошнам – белбогим*. «Қанотли сўзлар». – *Нега ташлаб кетаман буни, – деди кампир, келиннинг сўзини рад қилиб, – Белимнинг белбоги энди бу*. И. Раҳим. Чин муҳаббат» [ЎТИЛ-5; I, 220].

Ушбу икки гапда «белбоғ» лексемаси турли маъноларда қўлланган бўлиб, «қувват, мадор, кўмакдош» маъноси лексеманинг метафорик кўчма маъноси ҳисобланади.

Метафорик кўчим мавхум нарса-ҳодисалар доирасида бўлганда уни сезиш бир оз қийинроқ бўлади: «*Дев – 1. миф*. Эртак ва халқ достонларида шохли, думли, бениҳоят улкан одам қиёфасида тасаввур этиладиган, эзгуликка қарши курашувчи хаёлий махлук, ёвузлик тимсоли. Ўсган юртин тоза аниқ билдингми, Сўйла, хоним, деву жинни кўрдингми? «Муродхон».

2. **кўчма** Давангирдай, беўхшов, қўпол гавдали. [Қизингизни] Эрга бермай, девга бердингиз. М. Исмоилий, Фаргона тонг отгунча.

3. **кўчма** Даҳшат; қўрқинч; салобат. Макринг, мунофиқликнинг деви ҳамма фазилатларини ўз комига тортибди. Ойбек, Навоий.

4. **кўчма** Катта, улкан; баҳайбат» [ЎТИЛ-5; I, 585].

